

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 2 февраль, № 25 (8648) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## МЕТАЛЛУРГИЯ СОҲАСИДАГИ РЕЖАЛАР ҲАҚИДА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 1 февраль куни металлургия корхоналарини ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича тақдимот билан танишди.**

Навоий кон-металлургия комбинати, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Ўзбекистон металлургия комбинати ҳамда “Навоийуран” давлат корхонаси мамлакатимиз иқтисодиётида катта ўрин тутади. Сўнгги йилларда бу тўртта корхонага 7 миллиард 400 миллион доллар инвестиция киритилди. Бунинг натижасида олтин ишлаб чиқариш ҳажми 23 фоиз, мис 41 фоиз, кумуш 60 фоизга ошди. Навоий кон-металлургия комбинатида янги конлар ўзлаштирилиб, 3 та завод ишга туширилди. “Ўзметкомбинат” ва “Навоийуран”да ҳам ишлаб чиқариш кўпайди.

Умуман, ўтган 6 йилда ушбу корхоналарнинг жами саноатдаги улуши 10 фоиздан 17 фоизга, бюджет тушумларида эса 11 фоиздан 25 фоизга ошган.

Маълумки, 2030 йилгача мамлакатимиз иқтисодиёти ҳажмини 2 баробар ошириш мақсад қилинган. Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган рақобат янги вазифалар қўймоқда. Бу шароитда мазкур тўртта йирик компания самарадорлигини ошириш долзарб аҳамиятга эга.

Тақдимотда мутасаддилар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва инвестициялар жалб этиш бўйича режаларини баён қилди.

Давлатимиз раҳбари хорижий экспертларни жалб этиб, комбинатларни рақамли трансформация қилиш, бунда “яшил” технологияларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Инвестицияларни ўзлаштириш ва янги лойиҳаларни жадаллаштириш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Ишлаб чиқаришда операцион харажатлар ва энергия сарфини мақбуллаштириб, таннархни қисқартириш вазифалари қўйилди. Шунингдек, комбинатларда меҳнат унумдорлигини ошириш, раҳбар ва мутахассислар фаолиятига самарадорлик кўрсаткичларини (KPI) жорий қилиш муҳимлиги қайд этилди.

**ЎзА.**

Бедор уй

## «КЎЗЛАРИНГНИ ЗАҲАРЛАТИБ ЎЙНАТМАГИЛ, БАС ЭНДИ!»





***Бутун тарих воқелиги — Ер юзида цивилизацияларнинг рўй бериши ва тамаддунлар инқирози, башарият тараққиёти ва заволи таҳлили киши учун яхлит бир хулосани беради: маънан баркамол, ватанпарвар инсонгина эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшайди, унинг порлоқ келажаги учун курашади, кези келса, бу йўлда ўз жонини ҳам аямайди.***

***Бугунги мураккаб, инсон онгига, эркига, мамлакатлар мустақиллиги ва тараққиётига тажовузлар кучайган даврда Ватан ва халқ тақдирини ўз тақдири деб биладиган, унинг тинчлиги, озодлиги йўлида кўкрагини қалқон қиладиган, мард ва жасур авлодни тарбиялаш ғоят долзарблик касб этмоқда.***

➔ 2

Сенат қўмитасида

## Ўтган йилда Гендер тенгликка эришиш стратегияси ижроси қониқарли бўлдими?

*Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси йиғилишида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2023 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар ижроси ҳамда 2024 йилга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури лойиҳаси кўриб чиқилди.*

Таъкидланганидек, ўтган йилда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган қонунчилик асосини такомиллаштириш доимий эътибор марказида бўлди. Буни 13 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат — 3 та қонун, Президентнинг 2 та Фармони ва 2 та қарори ҳамда ҳукуматнинг 6 та қарори қабул қилингани мисолида ҳам кўриш мумкин.

➔ 3

Қонунчилик палатаси фракцияларида

Давлат дастури лойиҳаси:

## МУҲИМ ТАШАББУС ВА ТАКЛИФЛАР ИЛГАРИ СУРИЛМОҚДА

*Маълумки, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Президент Фармони лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Унда бешта йўналиш бўйича жорий йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар ва ишлаб чиқилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатлари назарда тутилмоқда.*

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг кеча бўлиб ўтган йиғилишларида мазкур дастуриламал ҳужжатда белгиланган устувор йўналишлар кўриб чиқилиб, бир қатор таклифлар илгари сурилди. Шунингдек, йиғилишларда давлатимиз раҳбари раислигида уй-жой ва коммунал хўжалиги, қурилиш, транспорт ва экология соҳаларидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишидан келиб чиқадиган фракциялар олдидаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** аъзолари дастур лойиҳасида бизнес учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида кўзда тутилган чора-тадбирларга алоҳида аҳамият қаратдилар.

Мунозаралар давомида депутатлар лойиҳада белгилаб қўйилган вазифалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди. Хусусан, фракция аъзолари Нодир Абдувалиев, Бегали Қодиров, Сардор Ғиёсов ва бошқалар лойиҳадан ўрин олган мақсадлар ЎзЛиДеП сайловолди дастури билан уйғун ва ҳамоҳанг эканлигини қайд этди.

— Бугунги кунда барча ҳудудларда тадбиркорлар, фермерлар, аҳолининг бошқа қатламли вакилларини кенг жалб қилган ҳолда дастур лойиҳаси атрофлича муҳокама қилиниб, таклифлар олинмоқда, — деди фракция аъзоси Баҳром Раҳмоналиев. — Бу эса фуқароларнинг амалга оширилаётган ислоҳотларга катта қизиқиш билан қараб, ушбу ислоҳотлар кузатувчиси эмас, балки фаол қатнашчиси бўлиш истагида эканлигини намоён этаётир.

Савол-жавоблар ва мунозаралар чоғида фракциянинг ҳар бир аъзоси давлат дастури лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича ўз таклиф ва тавсияларини бериш билан бирга, бу жараёнда фаол иштирок этишлари таъкидланди.

Йиғилишда уй-жой ва коммунал хўжалиги, қурилиш, транспорт соҳаларидаги муаммоларни бартараф этишда партия ва унинг депутатлик корпуси олдида турган асосий йўналишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

➔ 3

## «Ҳар томонлама тўғри тарбияланган фарзанд сиз кутгандан-да зиёда эътибор ва эҳтиром кўрсатади»

*Бугунги глобаллашув даврида ёшлар таълим-тарбияси ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Негаки, жадаллашиб бораётган халқаро иқтисодий, маданий ва коммуникациявий алоқалар ҳамда стандартлашаётган турмуш тарзи, ягона ишлаб чиқариш технологиялари анъанавий миллийлик қобиғига сиғмай қолди. Бу шароитда миллий ўзликни сақлаб қолиш масаласи кун тартибига чиқиши табиийдир. Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек: “Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала, ҳақиқатан ҳам, ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда”.*

### Мушоҳада

Шу боис ёшлар тарбияси ва таълим тизими, уларнинг қобилияти ва имкониятларини юзага чиқариш давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланди. Зеро, миллий ўзликни, она тилини ва миллий маданиятни сақлаш ёш авлодга боғлиқ. У қайси қадриятлар тизимига ўзини мансуб ҳисоблайди, унда миллий ғурур қай даражада шаклланади, ё у ўзини жаҳон фуқароси ҳисоблаб, она тилини, миллий урф-одатларини чала, ҳатто умуман билмайдиган янги типдаги “homo sapiens”га айланадими? Бу, биринчидан.

Иккинчидан, ёшлар бизда аҳолининг катта қисмини ташкил этади, дунёда ҳам уларнинг салмоғи юқори.

➔ 3

Ёшлар камоли — истиқболимиз

## Ё ИЛМЛИ БЎЛИНГ, ЁКИ ИЛМГА ТАЯНИБ ИШ ТУТАДИГАН...



*Юртимизда ҳар бир инсон ўз қобилияти ва истеъдодини, билим ва тажрибасини рўёбга чиқара оладиган ижтимоий давлат барпо этиш, шу мақсадда барча куч ҳамда имкониятларни ёшларнинг интеллектуал камолоти, уларнинг сифатли таълим олиши, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун сафарбар этишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Келажак эгаларининг аниқ фанларга бўлган қизиқишларини эрта аниқлаш, иқтидор эгаларини кашф қилиш, уларнинг келажакда юртимиз равнақига хизмат қиладиган касб эгалари бўлиб вояга етишларини таъминлаш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини ёдда сақлаш лозим. Зеро, Маҳмуд Замахшарий бобомиз ҳикматларида айтилганидек, ёшларимиз илмли ёки илмга таяниб иш тутадиган ёхуд лоақал илмни тинглайдиган бўлишлари муҳимдир.*

➔ 4

Муносабат

## ҚУРИЛИШЛАРДАГИ ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА МАСЪУЛЛИК

*Шаҳарсозлик фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, иқтисодий ривожланишни таъминлаш ва экологик барқарорликка эришишга таъсир қилувчи назария ҳамда амалиётлар мажмуи саналади.*

Шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшаётган эканмиз, шаҳарсозликнинг янгидан-янги меъёрларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Айни пайтда уй-жойлар, бино-иншоотларни барпо қилишда экологик хавфсизлик, имконияти чекланганлар учун қулайлик, шунингдек, мамлакатимиз тарихий меросини асраб-авайлашдек масалаларга ечим топиш ҳам кун тартибидан тушмаяпти.

Шу йилнинг 29 январида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида уй-жой, қурилиш, коммунал хўжалиги, транспорт ва экология соҳаларида 2024 йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бу соҳада эришилган ютуқлар билан бир қаторда ечимини кутаётган масалалар борлиги қайд этилди.

➔ 3

# «КЎЗЛАРИНГНИ ЗАҲАРЛАТИБ ЎЙНАТМАГИЛ, БАС ЭНДИ!»



←1

## ИШОНЧ ИНҚИРОЗИ

2023 йил 22 декабрь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида бугун жаҳон миқёсида тараққиёт суръатлари шиддатли тус олиш билан бирга, айни вақтда азалий қадриятлар, ижтимоий-сиёсий қарашлар тизимида чуқур трансформация жараёнлари юз бераётгани, ўта зиддиятли вазиятларнинг таъсири мамлакатимизда ҳам сезилаётгани қайд этилди.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги воқеликлар — рус шовинистларининг, империячилик васвасасига дучор бўлган кимсаларнинг Ўзбекистон суверенитети, озодлигига кўз олайтириши, минг йиллар давомида яшаб келаётган халқимиз тарихини камситиши минтақамизда янги кескинлик ўчоғини яратиш, миллатлар ва конфессиялар ўртасида қарама-қаршиликларни пайдо қилишдек чиркин мақсадларни кўзлагани билан хатарли.

Бундай нохуш ҳолатлар икки мамлакат ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ришталарига, ўзаро ишончга путур етказиши мумкинлиги ачинарли.

Кўпни кўрган, не-не синовларни бошдан ўтказган халқимиз бундай таҳдидлардан таҳликага, саросимага тушмайди. Донишмандлик, босиқлик билан, айни чоғда муносиб, жўяли жавоблар қайтаради. Энг катта бойлиги — озодлиги, Ватан мустақиллиги, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини осонликча бой бериб қўймайди. Мамлакатимиз барча дипломатик чораларни кўради.

*Эй! Сен мени ҳақир кўрган,*
*тубан деган афанди!*
*Эй! Устимда бир умрга*
*хўжа бўлмоқ истаган.*
*Эй! Бўйнимга кишан солиб,*
*ҳалокатга судраган,*
*Кўзларингни заҳарлатиб*
*ўйнатмагил, бас энди!*

Эрксевар шоир, жадид бобомиз Чўлпоннинг ғазаб ва нафратга тўла ушбу ҳайқириғи халқимизга абадий хўжа бўлмоқ истаган кучларга нисбатан оташин жавобдир.

Ўзбекистон ҳамиша тинчлик, тотувлик тарафдори бўлиб келган. Ўзбекистон Президенти БМТ Бош Ассамблеясида сўзлаган нутқида "ишонч инқирози" ва "халқаро ҳуқуқ меъёрларидан чекиниш" туфайли дунёда кескинлик ортиб бораётганини таъкидлар экан, мамлакатларни "умумий манфаатларни мавжуд зиддиятлардан юқори қўйган ҳолда" жипслашишга чақиргани бежиз эмас.

Бинобарин, жаҳонда геосиёсий қарама-қаршиликлар туфайли савдо, инвестиция ва инновация соҳаларида эркин алмашиш йўлида янги тўсиқлар вужудга келмоқда. Ҳатто иқлим ўзгаришлари, очлик ва тенгсизликка қарши кураш сингари бутун башарият тақдирига дахлдор масалаларда ҳам ўзаро мулоқот издан чиққани сезиляпти.

## БИР МИНТАҚА — БИР ТАҚДИР

Тарихдан маълумки, дунёнинг "юраги"да, цивилизациялар чорраҳасида жойлашган, табиий бойликларга кон минтақамизга ҳоким бўлиш, бу ўлкада яшовчи халқларни ўзига бўйсундириш орзуси не-не саркардаларнинг тинчини ўғирлаган. Уларнинг ана шундай манфур ниятлари эл-юрт бошига қанчадан-қанча ғавғоларни, азоб-уқубатларни солмаган дейсиз?! Жумладан, Марказий Осиё халқлари салкам бир ярим аср давомида мустамлака ҳолида умр кечирди. Рус босқинчиларига қарам бўлди, улар учун ишлади, соғлиғидан, орзуларидан айрилди. Зулму ситамларга бардош бериб, ёруғ кунларга умид билан яшади, интилди. Бу йўлда қанча-қанча қонлар тўкди, неча-неча жонларни бой берди. Ниҳоят, халқларимизнинг пешонасига яна офтоб тегди — истиқлолга эришди.

Ўтмиш сабоқлари англатадики, минтақамизда яшовчи миллатларнинг қувончи ҳам, қайғуси ҳам, орзуси ҳам, армони ҳам бир бўлиб келган ва бугун ҳам шундай. Ўзбекнинг бахти — қозоқнинг ҳам, қирғизнинг ҳам, тожикнинг ҳам, туркманнинг ҳам саодати ёки аксинча... Худо кўрсатмасин! Қисқача айтганда, бир минтақа — бир тақдир.

Тан олишимиз керак: минтақамиз бугунги кунда ҳам йирик давлатларнинг геосиёсий манфаатлари ва яширин даъволари ўзаро тўқнашадиган жозибадор жой бўлиб қолмоқда.

Шу боис агар Марказий Осиё давлатлари ўз суверенитети ва давлат мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, минтақада ижобий сиёсий вазиятни яратиш учун зарур чораларни кўрмаса, йирик кучларнинг ўзаро рақобати кескинлик келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Марказий Осиёдаги жараёнларда иштирок этаётган йирик давлатларнинг манфаатлари турлича, улар баъзан умумий нуқталарга эга бўлиш билан бирга, айрим ҳолларда ўзаро зиддиятли ҳамдир. Шубҳасиз, бундай давлатларнинг интилишлари тўқнашуви минтақа мамлакатлари манфаатларига жавоб бермайди, чунки улар Марказий Осиё давлатлари олдига баъзан "геосиёсий танлов" шартини қўяди ва бунда бир томонга ёндашиш бошқа томон билан муносабатларни бузиши мумкин.

Табиийки, ҳар қандай суверен давлат халқаро майдонда ташқи кучларнинг манфаатларига қараб эмас, ўз эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда эмин-эркин ҳаракат қилишни, ўз иродасини турли томонлар босимига бўйсундирмасликни хоҳлайди. Аммо йирик давлатлар бизга нисбатан ҳам "ё биз билан бўлинг ёки улар билан" деган очиқдан-очиқ таҳдидлар билдиришга ўтди. Миллий республикаларни таъсир доирасида сақлаб қолиш учун барча чорани кўраётган, бунинг учун эса ўзаро муносабатларда турли "иттифоқлар" ғояларини зўр бериб тиқиштираётган, сиёсий, иқтисодий ва бошқа тазйиқлар ўтказилаётган бир пайтда Ўзбекистон раҳбари бу уринишларнинг беҳудалигини ошкора эътироф этди. Ўзбекистон иккинчи даражали ролга асло рози бўлмайди. Ёки узоқ хориждаги айрим йирик сиёсий марказларнинг яқин шерикларимиз билан ҳамкорликдан қайтаришга уринишлари ҳам бўляптики, мамлакатимиз бундай босимларга асло ён бермайди.

Ташқи сиёсатимиз ана шундай вазиятларнинг олдини олишга, миллий манфаатлар поймол бўлишига йўл қўймасликка, Ўзбекистон билан шерикликдан манфаатдор ҳар бир томон учун тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли муносабатларни таъминлашга қаратилган.

Бу мақсадга эришиш омиллари сирасига яқин ва узоқ хорижий давлатлар билан мувозанатли стратегик шериклик тизимини шакллантириш, қўшни давлатлар билан конструктив ва яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш, глобал даражада кескин ўзгаришларнинг кенг миқёсдаги таъсирини юмшатишга ёрдам берадиган барқарор минтақавий хавфсизлик тизимини барпо этиш каби йўналишлар киради.

Масалан, Ўзбекистон ҳам Шарқ, ҳам Ғарб, ҳам Шимол, ҳам Жанубдаги давлатлар билан стратегик шериклик муносабатларини ўрнатмоқда. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари ҳам бу борада муҳим роль ўйнайди. Шубҳасиз, Ўзбекистон дунёнинг йирик давлатлари рақобати минтақамиз мамлакатлари учун салбий оқибатларга олиб келишини истамайди. Позициямиз, аввало, миллий манфаатларимиз, минтақа хавфсизлиги ва тараққиётини таъминлаш зарурати билан боғлиқ. Яъни Ўзбекистон минтақадаги барча кучларнинг ўзаро ҳамжиҳатлик ва конструктив ҳамкорлик макони бўлиш тарафдори ҳисобланиб, тенг ҳуқуқли ва муштарак манфаатлар асосига қурилган ўз ташқи сиёсатида қатъий турибди.

Қисқаси, Ўзбекистон мустақил ва ўзаро манфаатдорликка асосланган сиёсатини давом эттираверади. Халқимизнинг манфаатлари биринчи ўринга қўйилаверади. Ўзбекистон тинчликпарвар сиёсат асосида ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмайди. Биз суверенитетни ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, куч ишлатмаслик ва ўзаро манфаатларни ҳисобга олишнинг умумэътироф этилган халқаро меъёрлари ва тамойиллари асосида ташқи сиёсатдаги шерикларимиз билан тенг ҳуқуқли ҳамкорликни амалга ошираверамиз.

## ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ

Барча даврларда халқларнинг ўз мустақиллигини сақлаб қолиши ғоят мураккаб кечган. Бу йўлда қанчадан-қанча жонлар фидо қилинган.

Шукрки, Ўзбекистон бундан қарийб ўттиз уч йил олдин турли қон тўкишларсиз, демократик ва тинчлик йўли билан истиқлолга эришди. Бироқ мана шу бахтга ҳеч қандай йўқотишларсиз етишди дея олмаймиз. Мустамлака шароитида халқимизнинг жони ҳам, моли ҳам таланди, оёқости қилинди. Пахта далаларида эртаю кеч худди қулдек ишлатилди.

Юртимизда олиб борилган пахта сиёсати халқимиз пешонасига ёзилган бало бўлди. Оролни қуритди, экологиямизни инқирозга олиб келди, иқтисодиётимизни, таълим тизимини издан чиқарди.

Бугун мустақилликни сақлаб қолиш барча суверен давлатлар учун ниҳоятда мураккаб кечаётгани аён. Қанчалик қийин бўлмасин, Ўзбекистон танлаб олган ўз йўлидан оғишмай олға интилмоқда.

Ҳозирги кунда эрксизлик даври қолдирган барча асоратлардан буткул қутилишга интилмоқдамиз. Жумладан, пахтачиликда бозор иқтисодиёти тамойиллари жорий этилиб, соҳа ўз эгасини топди. Натижада ўқитувчи мактабга, шифокор шифохонага қайтди, тадбиркорлар пахта "ўлпони"дан озод бўлди, мажбурий ва болалар меҳнатига чек қўйилди. Ўзбекистон халқаро "қора рўйхат"лардан чиқарилди.

Истиқлол туфайли, Президентимизнинг сиёсий иродаси билан бошланган ислоҳотлар боис янги Ўзбекистон орзуси реал ҳақиқатга айланмоқда. Халқаро майдонда Ватанимизга нисбатан ҳурмат ва эътибор ошди. Қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ўрнатилди. Йиллар давомида ечимини кутаётган муаммолар изчил ҳал этиляпти. Бунинг натижасида Марказий Осиё давлатлари билан барча соҳадаги алоқаларимиз янги босқичга чиқди.

Истиқлол халқ ва миллатнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш, истиқболини ўзи белгилаш, миллий давлатчиликни барпо этиш, ички ва ташқи сиёсатни дахлсиз олиб бориш, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган жамият қуриш имконини берди.

Афсуски, глобал дунёда ёш мустақил давлатларни танлаб олган тараққиёт йўлидан, орзу-мақсадларига эришиш, янги жамият қуриш йўлидан қайтариш уринишлари тинганича йўқ. Бу йўлда айрим сиёсий марказлар, йирик кучлар, аввало, мустақил дунёқараши шаклланиб улгурмаган ёшларнинг қалби ва онги мўртлигидан фойдаланиб, уларнинг маънавиятини бузишга, халқ тарихи, урф-одатлари, қадриятларига беписанд муносабатни шакллантиришга, ҳавойи мақсадлар, мағзи пуч ғоялар билан чалғитиб, ўзининг ғаразли ниятларини амалга ошириш йўлида қурол қилиб олишга уринмоқда.



Бугунги қийин ва зиддиятли бир пайтда, мамлакатимиз сарҳадига яқин жойларда урушлар рўй бериб, қон тўкилиб турган бир вазиятда Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорлик таъминланиб, инсон учун энг олий неъмат — яшаш ва осойишта ҳаёт кечириш ҳуқуқи тўла кафолатланган. Шундай экан, осуда ҳаётимизни, эрку саодатимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

## ОНГУ ҚАЛБ МУДОФААСИ

Ватанимиз олдида турган энг эзгу мақсадлар — мамлакатимизнинг келажаги, эркин ва фаровон ҳаётимиз, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган ёшларнинг қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқ.

Бугун дунё ва атрофимизда кечаётган мураккаб жараёнлар, у ёки бу мамлакатда ирқчилик, миллатчилик, шовинистик, диний тоқатсизлик кўринишидаги жиноятларнинг ортиб бораётгани, алкоголь ичимликлар, гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилаётган ёшлар сони кўпаяётгани, маънавият ва тарбия масалаларига эътиборсизлик ҳар қандай давлат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини хавф остига қўйиши ва охир-оқибатда жамиятни таназзулга етаклаши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Экспертлар фикрича, маънавият соҳасида бўшлиқ пайдо бўлиши жиноятчилик кўламининг ошишига сабаб бўларкан. Афсуски, ана шу бўшлиқ ортидан бугун дунёнинг бир қатор мамлакатларида оила ва жамият ҳаёти жиддий хавф остида қолаётир. Биз ҳам бундай хатарлардан холи эмасмиз. Инсонийлик ақидаларига мос келмайдиган турли бузғунчилик, ваҳшийлик, зўравонликлар тасвирга туширилган кинофильмлар, маънисиз сериаллар, ОАВ ва интернет орқали тарғиб этилаётган "беҳаё саҳналар" ёшлар тарбиясини бузишга хизмат қиляпти холос. Бундай урфларни кўз-кўзлаш ортида одамни фақат ҳайвоний нафс билан яшайдиган жонзотга айлантиришдек тубан мақсадларни кўзда тутаётган катта куч, хатарли мафкура борлигидан асло кўз юмиб бўлмайди.

Шунинг учун ушбу муаммони кенг миқёсда, ҳаётимизга дахлдор масала сифатида ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқ. Жаҳоннинг қайси бурчагида бўлмасин, маънавиятга қарши таҳдид пайдо бўладиган бўлса, ўзининг бугунги куни ва эртанги истиқболини ўйлаб яшайдиган ҳар бир онгли инсон, ҳар бир халқ ташвишга тушиши, унинг олдини олиш учун керакли чораларни кўриши шарт.

Мана шундай таҳликали шароитда биз барқарорлик ва хавфсизлигимизга зиён етказадиган ҳар қандай таҳдид ва хатарларга кескин қарши туришимиз лозим. Айни вақтда шуни эътироф этиш керакки, мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланишидан манфаатдор бўлмаган турли бузғунчи ташқи кучларга асосли жавобларимиз, самарали тадбирларимиз доим шай бўлиши шарт. Халқимиз янада жипслашиши, бир мушт бўлиб уларга қарши туриши керак.

Бугун жонажон Ўзбекистонимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, фарзандларимиз ва набираларимизнинг ёруғ келажагини таъминлаш учун метин ирода, жипслик ва якдиллик ҳар қачонгидан ҳам зарурдир.

Дарҳақиқат, мамлакат хавфсизлиги онгу қалб мудофаасидан бошланиши назарда тутилиб, юртимизда маънавий-маърифий ислоҳотлар янги суръат билан давом эттирилмоқда. Бу борадаги ишларни изчил йўлга қўйиш учун ҳар қандай маблағ, куч, вақт аялмаяпти.

Зотан, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси — бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси — аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият".

Жамиятда соғлом муҳитни қарор топтириш, ёшларда одоб-ахлоқ, бировнинг ҳақидан қўрқиш, Ватанга садоқат, ота-она, устоз-мураббийларга ҳурмат-эҳтиром, ён қўшнилар билан самимий муносабат, саховат ва бағрикенглик тамойилларини кучайтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ана шу улуғ мақсадни кўзлагани билан аҳамиятлидир.

Бугун китобхонлик, мутолаа маданиятини юксалтириш ниҳоятда долзарб. Китобхонлик — халқимиз даҳоси яратган бебаҳо бойликни, азалий қадриятларимиз ва умуминсоний фазилатларни, аждодларимиз меросини онгу қалбга сингдиришнинг энг самарали йўли. Ёшларимизни мутолаага ўргатмасак, уларда билим ва ҳалолликка муҳаббат, меҳнатсеварликни тарбияламасак, барча соҳада эришишга интилаётган марраларимиз биздан узоқлашиб бораверади.

## ИЛМ ВА ЯХШИ АХЛОҚ — САОДАТ КАЛИТИ

Эртанги кун эгалари тарбияси маънавият соҳаси, матбуот ва ОАВ, зиёлилардан жамият олдидаги ўз маънавий бурчини астойдил ҳис этишни, касбга янада масъулият ва фидойилик билан ёндашувни, миллий манфаатларимизнинг том маънодаги ҳимоячисига айланишни талаб этади. Ўзини юртпарвар деб билган ҳар бир зиёлининг Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозониши, бугунги нотинч замонда, айниқса, ён-атрофимиздаги вазият кескинлашиб бораётган бир пайтда она юртимизни асраб-авайлаш, дўстни душмандан, оқни қорадан ажратишга, аҳолимизни доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашга даъват этишда ўз ҳиссасини қўшиши алоҳида аҳамиятга эга.

Бугун огоҳлик ва ҳушёрлик — ҳар бир юртдошимизнинг кундалик қоидасига айланиши шарт. Бу ҳақда мулоҳаза юритганда, эрамиздан аввалги VI асрда яшаган Хитой файласуфи Сун Цзи ўз қўлланмаларида қайд этган маънавий ва ахборий хуружларнинг услублари ёдга келади. Файласуф ғанимни енгиш учун "душманингиз мамлакатидаги ҳамма яхши нарсаларни пароканда қилинг, раҳбарлар обрўсини тўкинг ва ўрни келганда уларни жамоатчилик олдида изза қилинг, шу мақсадда энг қабиҳ ва разил кишилар билан ҳамкорликдан фойдаланинг, фуқаролари орасида низо ва тўқнашувлар келтириб чиқаринг, ахборот ва шериклар сотиб олиш учун таклиф ва совғаларга сахий бўлинг, ёшларни кексаларга гиж-гижланг, умуман, пулни ҳам, ваъдаларни ҳам аяманг, чунки улар ажойиб натижалар беради", дейди.

Биз бугун дунё деб аталмиш улкан саҳнада ана шундай сценарийлар кун сайин сайқалланаётганига, ривожлантирилаётганига, ёшлар гиж-гижланаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Демак, жаҳонда турли хуружлар ҳалигача тинмаётган, аксинча, ҳам шаклан, ҳам мазмунан кенгайтириб борилаётган экан, ҳаётга очиқ назар билан қараш, доимо сергаклик, маънавий уйғоқлик ҳар биримиз учун муқаддас бурч бўлиб қолаверади. Ижодкор зиёлилар, маънавиятчиларнинг жамият олдидаги масъулияти, жавобгарлиги янада кучаяди.

Бу шуни ҳам кўрсатадики, биз учун айни пайтда катта ёки кичик, аҳамиятли ёки аҳамиятсиз мавзунинг ўзи қолмаган. Яна бир гап. Ҳар бир юртдошимиз ўзининг, оиласининг тақдири ва эртанги куни учун ривожланиш йўлимизда ғов бўлиб турган тўсиқларга қарши қатъий кураш олиб бориши керак.

Мутафаккирларнинг "давлатнинг вазифаси инсонларни бахтли-саодатли қилишдир. Бу мақсадга эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида эришилади", деган ҳикматли сўзлари жудаям ўринли айтилган. Чунки таълимни, маънавиятни ривожлантирмасдан туриб, юксак тараққиётга эришиб бўлмайди. Ҳар қандай муаммонинг ечими ҳам, эртанги кунимизни ҳал қилувчи омил ҳам, шубҳасиз, таълим-тарбиядир. Бугун ҳаётга мана шундай ёндашувни замоннинг ўзи тақозо этмоқда ва бу кескин талаблардан юз ўгириб бўлмайди.

Бу ўринда гап қандайдир тарғибот-ташқивот ҳақида эмас, балки одамларнинг кўнгил кўзини очиш, уларнинг қалби ва онгида мустақил фикр уйғотиш ҳақида бормоқда. Чунки ҳозирги даврда, халқаро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган мураккаб бир шароитда фақат ўз фикри, ўз ҳаётий позициясига эга бўлган, маънавиятли, комил халқ ва жамият енгилмас кучга айланиб, ўз келажагини ўз қўли ва ақл-заковати билан қуришга қодир бўлади. Шу нуқтаи назардан, юртдошларимизни давлат қурилиш тизими, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ислоҳотлар, мамлакатни демократик жиҳатдан янгилаш жараёнларидан хабардор қилиш билан бирга, Ўзбекистон манфаати ҳар биримиз учун бирламчи эканини доимо англатиб турувчи жарчиларга айланмоғимиз шарт.

Давлат тепасига келган ҳар бир раҳбар маълум ислоҳотларни амалга оширишга, ички ва ташқи сиёсатда янгича йўл қидиришга ҳаракат қилади, албатта. Аммо халқнинг, миллатнинг руҳига, орзу-интилишларига, мақсад-муддаосига мос, иқтисодий, маънавий асослари мустаҳкам ислоҳотларгина амалга ошади, халқ турмуш тарзига таъсир кўрсатади. Қуруқ, баландпарвоз, таг-замини пуч ваъдалардан иборат ислоҳотлар эса қоғознинг ўзида қолиб кетади.

Президент Шавкат Мирзиёев биз эскича яшай олмаймиз, ортга қайтмаймиз, инсон қадри учун курашамиз, мустақилликни кўз қорачиғидек асраймиз, деган улуғ мақсадларни кун тартибига қўйди. Бу — халқнинг тили ва дилидаги гап, пишиб етилган мақсад. Демак, турли соҳаларга масъул этиб қўйилган раҳбарлар ўзини, фаолиятини танқидий кўз билан яна бир бор қайта таҳлилдан ўтказиши, жавобгарликни янада чуқурроқ ҳис этиши мақсадга мувофиқдир.

## БИЛАГИ ЗЎР БИРНИ ЙИҚАР, БИЛИМИ ЗЎР — МИНГНИ

Истиқлолни, тинчликни асрашнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун кучли маънавиятга эга халқ билан бирга, ҳарбий-жанговар салоҳияти юқори ва юксак маънавий салоҳиятли Қуролли Кучлар ҳам зарур.

Кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида миллий армиямизнинг қиёфаси ва салоҳияти тубдан ўзгарди. Бугунги кунда Ўзбекистон Қуролли Кучлари мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир бўлган, ҳаракатчан ва пухта қуролланган қудратли кучга айланди.



Дунёда юзага келган ҳозирги мураккаб вазиятда Ватанимиз мустақиллиги ва суверенитетини, унинг ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва тотувликни асраб-авайлашда аскарларимизнинг маънавий салоҳиятини, ватанпарварлигини юксалтиришга давлат сиёсати даражасида эътибор беріляпти.

Жумладан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида юртимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири этиб белгиланди. Ушбу стратегия асосида Қуролли Кучларнинг тезкор бошқарувини амалга ошириш, миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар билан таъминлаш ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги ва жанговар руҳини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўзда тутадиган қарорлар қабул қилинди.

2022 йилдан буён ҳарбий қисмларда "Амир Темур жанговар байроғи учун" мусобақалари ўтказилмоқда. Қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, ҳарбий анъаналарни янада мустаҳкамлаш, буюк аждодларимизга муносиб, мард ва жасур, билимли ва жисмонан бақувват Ватан ҳимоячиларини тарбиялашда ушбу мусобақалар беқиёс аҳамиятга эга.

Айни вақтда азму шижоатли аскарларимиз халқаро майдонларда ўтказилаётган кўплаб нуфузли ҳарбий мусобақаларда ҳам фахрли ўринларни эгаллаб келаётгани, жумладан, Халқаро армия ўйинлари, "Кембрия патрули" ва бошқа йирик ҳарбий-спорт мусобақаларида бир неча йиллардан буён салмоқли ютуқларни қўлга киритаётгани барчамизни қувонтиради, қалбимизни фахрга тўлдиради.

Шу билан бирга, Ватанимизнинг бўлғуси қалқонларини — ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича тизимли ишлар амалга ошириляпти. Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ҳамда соҳа фахрийларини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига ҳам жиддий аҳамият берилмоқда.

Дунёда рўй бераётган гибрид характердаги қуролли тўқнашувлар Қуролли Кучларнинг жанговар ҳаракатлар жараёнида илгари амалда қўлланилмаган қуроллардан фойдаланадиган кучларга қарши кураша олиш қобилиятини оширишни, билим ва салоҳият, дунёқараш ва сергаклигини юксалтиришни тақозо этяпти. Бундай шароитда, аввало, жанговар ҳаракатларнинг самарали шакл ва усулларини тадқиқ ҳамда татбиқ этиш, ҳарбий таълим дастурларини илғор тажриба асосида янгилаш, педагоглар малакасини ошириш, Ватан ҳимоячиларининг ахлоқий-руҳий ва жанговар тайёргарлигини янада кучайтириш чораларини изчил давом эттириш талаб қилинади.

Шонли тарихимиз, буюк аждодларимиз, енгилмас саркардаларимиз тажрибаси, жасорати, уларнинг "Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр — мингни" деган доно ўгитлари ҳарбий таълим соҳаси ҳамда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда асосий шиорга айлантирилиши ғоят муҳим. Бу борадаги ишларда "Халқ ва армия — бир тану бир жондир" деган тамойилдан келиб чиқиб давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳарбий-маъмурий секторлар ва кенг жамоатчилик ҳамкорлиги кутилган самарани беришига ишончимиз комил.

Мухтасар айтганда, мудофаа соҳаси инсоннинг маънавий оламини асраш билан чамбарчас боғлиқдир. Зотан, киши танасининг ҳам, жонининг ҳам, онгу қалби, руҳининг ҳам хавфсиз эканини билиб, теран ҳис қилиб турса, хотиржам яшайди, ҳаётидан рози бўлади. Эртанги кунга ишонч билан боқади. Чинакам бахт-саодатни туяди.

Бундай толе, ҳаловат, тўкис турмуш барқарорлиги учун эса халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни сифат ва мазмун жиҳатдан мутлақо янги босқичга кўтаришимиз лозим. Президентимиз таъкидлаганидек, бугун маънавият бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда юриши керак, маънавият янги кучга, янги ҳаракатга айланиши шарт!

**Иқбол МИРЗААЛИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири.**

# Ўтган йилда Гендер тенгликка эришиш стратегияси ижроси қониқарли бўлдими?

◄1 Хусусан, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоялаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатлари, жумладан, Сайлов кодексига сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатилаётганда аёллар сонининг энг кам миқдорини умумий номзодларнинг 30 фоизидан 40 фоизига оширишни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилди.

Шуларга мос ҳолда дастур ижроси доирасида раҳбар хотин-қизларни тайёрлаш мақсадида Давлат бошқаруви академиясида 319 нафар опа-сингилмиз ўқитилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, ўринбосарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлари лавозимлари учун жами 970 нафар, шундан 162 нафар номзоддан иборат кадрлар захираси шакллантирилди.

Бундан ташқари, Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида 262,2 минг нафар хотин-қизга 4,5 трлн. сўм миқдорида кредит, ишсиз ва ижтимоий дафтарларда рўйхатда турувчи 27 мингдан зиёд опа-сингилларимизга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва ўзини ўзи банд қилиши учун 118,5 млрд. сўм субсидиялар берилди, 250 мингдан зиёди эса меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касбларга ўқитилди.

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 2023 йилда ўтказилган давлат ижтимоий буюртмаси ва гранти танловларида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, эрта никоҳ ва ажримларни камайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ҳамда уларга ҳуқуқий ва психологик кўмак кўрсатиш соҳаларига оид 39 та лойиҳага 6,6 млрд. сўм ажратилди.

Тадбир давомида шу сингари ижобий натижалар баробарида, ижроси кечикаётган айрим масалалар танқидий кўриб чиқилди ҳамда булар юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга кўрсатмалар берилди.

Алоҳида қайд этилганидек, "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат кенгаши органлари фаолияти талаб даражасида ташкил қилинмаган. "Раҳбар аёллар мактаби" ўқув дастурининг 99 нафар битирувчиси Миллий кадрлар захираси маълумотлар базасига киритилгани ҳолда, уларнинг атиги 10 фоизи раҳбарлик лавозимларига тайинланган.

Йиғилишда "Эл-юрт умиди" жамғармаси томонидан 2023 йилда хорижга таълим олиш учун юборилган ёшлар орасида хотин-қизлар улуши 30,6 фоизни ташкил этгани, айни чоғда, докторантура таълим дастури бўйича аёлларни жалб қилиш ишларини жадаллаштириш зарурлиги айтилди.

Шунингдек, тадбирда 2024 йил учун мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурига киритилган масалалар иштирокчилар томонидан кенг таҳлилдан ўтказилди.

Жорий йилги дастурда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратишга қаратилган қонунчилик асосини такомиллаштириш, давлат хизматидаги опа-сингилларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий салоҳиятини ошириш, "STEM" йўналишларидаги фанларда улар улушини ошириш, илмий ва стартап ғояларни рўёбга чиқариш кўникмаларини шакллантириш ҳамда илмий-инновацион фаолиятга кенг жалб этишга доир масалалар ўрин олган. Хотин-қизлар сиёсий фаоллигини оширишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш, давлат хизматидаги аёллар сиёсий-ҳуқуқий салоҳиятини ошириш каби масалалар ҳам долзарб ҳисобланади.

Мажлисда кўриб чиқилган масала юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

Мулоқот

# СЕНАТОР ВА ТАЛАБАЛАР УЧРАШУВИ

*Олий Мажлис Сенати аъзоси Фароғат Саъдуллаева Урганч давлат университети талабалари билан учрашув ўтказди.*

Унда сенатор давлатимиз раҳбари томонидан 2024 йил — "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилингани, шу муносабат билан амалиётга йўналтириладиган давлат дастури йигит-қизларнинг чуқур билим олиши, инновацион ғояларни жорий этиш ва ўзлари истаган касб-ҳунарларни пухта эгаллаб, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган кадрлар бўлиб камолга етиши учун катта имтиёз ва имконият яратишини таъкидлаб ўтди. Зотан, мамлакат келажаги, унинг тақдири бугун ёшларнинг нечоғли билимли, теран маънавиятли инсон бўлиб шаклланишига бевосита боғлиқ экани қайд этилди.

Айни чоғда парламент юқори палатасининг яқинда бўлиб ўтган қирқ тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва кўриб чиқилган бошқа масалаларнинг мазмун-моҳияти ҳамда бугунги кундаги аҳамияти хусусида атрофлича фикр юритилди.

Қолаверса, мулоқот жараёнида сенатор ўзининг тикувчилик касби орқали эл ичида танилиб, ҳаётда ўз ўрнини топганлиги, оилавий корхонага асос солгани ва тадбиркорлик фаолияти ҳақида сўз юритаркан, ёшларни ўз олдига қўйган мақсадлари йўлида тинимсиз интилишга ундади.

Самимий кечган мулоқот давомида йигит-қизларга касб-ҳунарли бўлишнинг афзал жиҳатлари ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтириб берилди. Зеро, инсон ҳунари орқасидан эл орасида ҳурмат қозонади, нафақат ўз оиласи, балки эл-юрт равнақи, халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшади.

Учрашувда талабалар қонун ижодкорлиги билан боғлиқ ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

**«Халқ сўзи».**

## Давлат дастури лойиҳаси:

# МУҲИМ ТАШАББУС ВА ТАКЛИФЛАР ИЛГАРИ СУРИЛМОҚДА

◄1 **Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси** аъзолари давлат дастури лойиҳасида белгиланган вазифаларни синчиклаб таҳлил қилди, айрим йўналишлар бўйича ўз таклифлари, фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Дастур лойиҳасида ушбу йўналиш бўйича белгиланган вазифалар қўллаб-қувватланар экан, ҳудудлардаги ўрганишлар давомида уч босқичдан иборат профессионал таълимга қарашли муассасаларнинг моддий-техник таъминоти 15 йилдан бери янгиланмагани, амалий машғулотлар ўтишга шароит йўқлиги, назария билан мақсадга эришиб бўлмаслигини қайд этдилар.

Савол-жавоблар чоғида боғчаларга олий маълумотли тарбиячиларни тайёрлаш масаласи ҳам кўтарилди.

Таъкидланганидек, "Миллий тикланиш" ДП фракцияси бир неча йилдан буён ушбу масалани кўтариб келади. Аммо тегишли вазирликлар бунга ҳамон эътибор қаратмаяпти. Бугун боғчалардаги олий маълумотли 38 минг тарбиячининг ҳар бирига 75 нафардан бола тўғри келяпти ва ҳозирда 200 мингдан ортиқ олий маълумотли тарбиячиларга эҳтиёж бор.

Йиғилишда Президентимиз раислигида уй-жой, қурилиш, коммунал хўжалиги, транспорт ва экология соҳаларида амалга оширилган ишлар ва устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселекторда кўтарилган масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Фракция раҳбари Алишер Қодиров бу ҳақда тўхталиб, давлат раҳбари томонидан кўтарилган масалалар жуда муҳимлигини ва бу бугун аҳоли, сайловчиларни ўйлантираётган, ташвишга солаётган масалалар эканини алоҳида қайд этди.

**"Адолат" социал-демократик партияси фракцияси** аъзолари томонидан илгари сурилган ташаббуслар орасида соғлиқни сақлаш соҳасига оид таклифлар кенг муҳокама қилинди.

Маълумки, партия сайловолди дастурида аҳоли орасидаги юқумли касалликларга қарши эмлашлар ўтказиш, шунингдек, скрининг ва перинатал марказлар, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғуруқ комплекслари, гинекологик ва патронаж хизматлари фаолиятини доимий яхшилаб бориш вазифалари қўйилган.

Фракция аъзолари томонидан давлат дастури лойиҳасига соғлиқни сақлашга оид бир қатор таклифлар берилди. Хусусан, аҳоли ўртасида сурункали касалликларни барвақт аниқлаш ва улар билан касалланиш ҳолатларини кескин камайтириш зарурлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, ҳомиладор аёллар ва чақалоқлар саломатлигини асраш мақсадида туғуруқ комплексларининг моддий-техник таъминотини яхшилаш орқали бугунги кунда соғлиқни сақлаш соҳасида фуқароларни қийнаб келаётган бир қатор масалаларга ушбу таклифларнинг давлат дастурида ўз аксини топиши билан ижобий ечимга эга бўлиши мумкинлиги билдириб ўтилди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** йиғилишида давлат дастури лойиҳасидаги муҳим йўналишларга эътибор қаратилди. Чунончи, унда ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий, экология, давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ, хавфсизлик ва ташқи сиёсат йўналишларида жорий йилга мўлжалланган ислоҳотлар назарда тутилмоқда.

Айни пайтда турли ташкилот ва идоралар қатори, ХДПнинг энг қуйи бўғинларидан бошлаб, марказгача бўлган тартибда партия фаоллари ҳамда депутатлар давлат дастури лойиҳасига ўз таклифларини билдирмоқда.

Хусусан, туғма ногиронлиги бор инсонларни, шунингдек, ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган нуронийларга қараб келаётган кишиларга ёшга доир пенсия таянч миқдорини олиши учун қонуний кафолатларни кучайтириш, бу борада қонунчиликка ўзгартириш киритиш таклифи илгари сурилди. Бундан ташқари, инклюзив таълимни ривожлантириш, соҳага олий маълумотли кадрлар тайёрлашни назарда тутиш кераклиги билдирилди.

Кенгайтирилган йиғилишда фракция аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партиянинг ҳудудий ташкилотлари фаоллари давлат дастури лойиҳасини қўллаб-қувватлаган ҳолда ўз таклифларини билдирди.

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** йиғилишида таъкидланганидек, "яшил" иқтисодиёт тамойилларига асосланган юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, экологик ҳолатни яхшилаш, сув ва бошқа табиий ресурслардан унумли фойдаланиш давлатнинг асосий мақсадларидан бирига айланмоқда.

Давлат дастури лойиҳасида ёш авлоднинг салоҳияти, истеъдоди ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тўлақонли рўёбга чиқариш, ёшлар ўртасида тадбиркорликни кенг оммалаштириш ва бизнес билан шуғулланишга қўшимча имкониятларни яратишга қаратилган чора-тадбирлар муҳим ўрин эгаллаган.









Шу билан бирга, сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналиши доирасида бир қатор тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Хусусан, 2024 йилда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида камида 200 миллион туп манзарали ва мевали дарахт ҳамда буталар кўчатларини экиш, республика доирасида 444 та яшил боғ барпо этиш, 1,5 минг километр йирик каналларни бетонлаштириш ишларини якунлаш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда чанг бўронларининг оқибатларини юмшатиш ва унинг олдини олиш, автотранспорт воситаларидан атмосферага чиқариладиган газлар миқдорини камайтириш борасида муҳим вазифалар белгиланган.

Йиғилишда депутатлар томонидан давлат дастури лойиҳасига бир қатор таклиф ва тавсиялар берилди. Шунингдек, атроф-муҳит барқарорлигини таъминлашга қаратилган долзарб қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

*Фракциялар йиғилишларида, шунингдек, кун тартибидаги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.*

## Сўз — депутатларга

**Турғунбой ХЎЖАНАЗАРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Давлат дастури лойиҳасида атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва иқлим ўзгаришларига қарши кураш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилгани диққатга сазовор.

Нуфузли халқаро брендлар билан ишлаб чиқаришни бошлаётган корхоналарга халқаро стандартлар, экология ва сертификатлаш харажатлари Саноатни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан қоплаб бериш тартибининг жорий қилиниши инвестициявий лойиҳаларнинг жозибадорлигини ошириш баробарида, ушбу корхоналарнинг атроф-муҳитга таъсирини мўътадиллаштиришга хизмат қилади.

Дастур лойиҳасида жорий йилда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида манзарали ва мевали дарахт ҳамда буталар кўчатларини, қаламчаларини экиш, республика доирасида яшил боғлар барпо этиш белгиланганi ҳам эътиборга молик. Чунки бугун экилаётган ҳар бир ниҳол эртага катта дарахтга айланади. Ўнлаб, юзлаб, минглаб дарахтлар бир бўлиб, биз нафас олаётган ҳавони тозалайди, озиқ-овқат манбаи бўлган тупроқларни мустаҳкамлайди.

Сирасини айтганда, бу йилги давлат дастури лойиҳаси бугунги глобал ривожланиш ва иқлим ўзгаришларидан келиб чиққан ҳолда халқимиз ва давлатимиз раҳбарининг таклифлари асосида ишлаб чиқилган. Айни пайтда юртдошларимиз дастур лойиҳаси муҳокамасида фаол қатнашиб, ўз таклифларини билдирмоқда. Халқимиз таклифлари асосида қабул қилинган давлат дастури фуқароларни узоқ йиллардан бери қийнаб келаётган масалалар, айниқса, экологик муаммоларни сўзсиз таъминлашга хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан, Экологик партия фракцияси аъзолари дастур лойиҳасини атрофлича муҳокама қилиш билан бирга, уни янада такомиллаштириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини бермоқда. Фракциямиз йиғилишларида ҳам ушбу масала кенг муҳокама қилинди ва лойиҳада қамраб олинган барча йўналишлар тўлиқ қўллаб-қувватланди.

**Музафара АБДИЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Бу йилги давлат дастури лойиҳаси Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ҳамда қўмиталар йиғилишларида кенг муҳокама этилиб, лойиҳани янада такомиллаштириш бўйича қатор таклифлар берилмоқда.

Айтиш жоизки, айни вақтда дастур лойиҳасини ҳар бир фракция ўз партияси ғояларидан, қўмиталар эса ўз йўналишлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб муҳокама қилмоқда.

Лойиҳада соғлиқни сақлаш тизимида аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлигини ошириш, аҳолига бирламчи тиббий хизматларни янада яқинлаштириш, оналар ва болалар ўлимини қисқартириш, соғлом болаликни таъминлаш сингари мақсадлар ва бандлар доирасида унга эришиш механизмлари очиб берилгани эътирофга лойиқ.

Депутатлар томонидан эса 46 та туманлараро перинатал марказни тўлиқ таъмирлаш, замонавий жиҳоз ва тиббий асбоблар билан таъминлаш, штат бирликларини тўлиқ ажратиш, туғуруқхоналардаги ўринлар сонини кўпайтириш бўйича муҳим таклифлар илгари сурилмоқда.

Умуман, бугун ушбу жараёнга ҳеч ким бефарқ эмас. Халқимиз муҳокамаларда фаол иштирок этиб, келгусида дастур ижроси мавжуд муаммоларни бартараф этилишига хизмат қилишига ишонмоқда.

Шубҳасиз, давлат дастури лойиҳасини қабул қилишда жамоатчилик фикри олинаётгани ушбу дастуриламал ҳужжатнинг янада пухта, манзилли ва халқчил бўлишига хизмат қилади.

**Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Давлат дастури лойиҳасининг кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилгани аҳолининг ушбу жараёнда фаол иштирок этишини таъминлайди. Зеро, ўтган йиллар тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, дастурдаги энг халқчил ғоялар аҳоли билдирган таклифлар асосида вужудга келган.

Қайд этиш жоизки, жорий йилги давлат дастури лойиҳасининг "Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш" йўналиши доирасида ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатини 6 фоиздан кам бўлмаган даражада, инвестицияларни эса ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан камида 30 фоиз бўлишини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларида 18 млрд. долларлик 309 та йирик лойиҳани ишга тушириш белгиланган.

Шунингдек, иқтисодиётга 275 трлн. сўм кредит ресурсларини йўналтириш, шу жумладан, 41 трлн. сўмлик микромолия хизматлари кўрсатилишини таъминлаш, банклар томонидан тақдим этиладиган кредит ставкаларини бозор механизмлари асосида 2-3 фоиз бандга пасайтириш учун зарур шароитлар яратиш мақсад қилинган.

Айниқса, ёшлар ўртасида тадбиркорликни кенг оммалаштириш ва бизнес билан шуғулланишга қўшимча имкониятларни яратиш мақсадида оилавий тадбиркорлик дастури доирасида ажратилаётган кредитларнинг камида 40 фоизи ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга йўналтирилиши ўз аксини топган.

Умуман олганда, муҳокамадаги лойиҳа "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган кенг кўламли ислоҳотларни 2024 йилда самарали амалга ошириш, халқимизнинг кундалик ҳаётида ижобий ўзгаришларга эришиш бўйича тизимли ҳаракатларни изчил давом эттириш, "яшил" иқтисодиёт тамойилларига асосланган юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, экологик ҳолатни яхшилаш, сув ва бошқа табиий ресурслардан унумли фойдаланиш стандартларини кенг жорий қилиш ҳамда халқ манфаатларига йўналтирилган бошқарувни янада такомиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

**«Халқ сўзи».**

# «Ҳар томонлама тўғри тарбияланган фарзанд сиз кутгандан-да зиёда эътибор ва эҳтиром кўрсатади»

◄1 Америкалик тадбиркор Эдем Боард кам сармоя тикиб, катта даромад олиш мумкин бўлган соҳа бола учун сарфланадиган сармоядир, дейди ва бу фикрини шундай изоҳлайди: "Болани қиммат мактабда ўқитиш шарт эмас, унга қимматбаҳо кийим-кечаклар ҳам харид қилманг, уни қиммат егулик билан сийламанг, балки ундан қимматбаҳо эътиборингизни аяманг. Ҳар томонлама тўғри тарбияланган, ҳамиша эътиборда бўлган фарзанд келгусида сиз кутгандан-да зиёда эътибор ва эҳтиром кўрсатади".

Маълумки, Ўзбекистонда ҳар бир йилга алоҳида ном бериб, ижтимоий аҳамияти юқори масалаларни ҳал қилиш анъанаси шаклланган. Жумладан, 2024 йил — "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили" деб номланди. Бунда олдинги йилларга уйғунлик ва ўзига хос тадрижийликни кўриш мумкин.

Йил номидан ҳам кўриниб турибдики, бутун эътибор инсон омилини, аввало, ёшларни юксалтириш, юртимиз келажаги бўлмиш ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган. Зеро, ҳар бир ўғил-қизнинг жамият учун тўлақонли шахс бўлиб етишиши юксак савиядаги таълим ва миллийлик заминидан узилмаган тарбияга, уни таъминлаш учун шарт-шароит яратишга боғлиқ. Албатта, йил номланиши ёшларимизни қўллаб-қувватлаш борасида нафақат ўша йилга мўлжалланган давлат дастури доирасида катта ишлар қилиниши ва ҳар томонлама ривожланишга қаратилган саъй-ҳаракатлар амалга оширилишини, айни чоғда, бундай эзгу амаллар изчил давом эттирилишини ҳам билдиради.

Ёшлар сиёсатининг мақсади уларга нисбатан, аввало, ижтимоий адолатни таъминлаш, иккинчидан, Ўзбекистонни рақобатбардош мамлакатга айлантириб, миллий мустақиллигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлашдан иборатдир. Миллий идентлигимизни, миллий тилимизни, маданиятимизни, қадриятларимизни сақлаб қолиш ва янада ривожлантиришимиз ҳамда жаҳон ҳамжамиятида иқтисодий, илмий-техникавий, маданий жиҳатдан рақобат қила олишимиз бугун биз, ёшларни қандай тарбия қилишимизга боғлиқ, албатта. Шу боис бу масала давлат ҳокимиятининг барча бўғини учун долзарб вазифа ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, бу масала халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгаши Таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва ижтимоий масалалар бўйича доимий комиссиясининг эътибор марказида бўлиб келмоқда. Доимий комиссия ҳузурида вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси, олий таълим муассасалари, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда мактаблар фаолияти, ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши ҳамда бандлигини таъминлаш масалаларини доимий мониторинг қилиш мақсадида ишчи гуруҳ тузилган. Ишчи гуруҳи ҳисоботлари ҳар чорак комиссия йиғилишларида муҳокама этилади.

Кези келганда, бу йўналишда Қашқадарё вилоятида ҳам кўламли ишлар амалга оширилаётганини айтиш зарур. Бугун вилоятимизда 819 та маҳалла бўлиб, улардаги ёшлар етакчилари томонидан тизимли ишлар йўлга қўйилган. Вилоятимизнинг 916 минг 871 нафар ўғил-қизи уч тоифага ажратилди: 23 минг 774 нафар — "оғир", 522 минг 804 нафар — "ўрта", 394 минг 67 нафар — "яхши" ҳамда давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаларига кўра кўпроқ "оғир" ва "ўрта" тоифадаги ўсмирлар билан ишлашга эътибор қаратилди.

Шу асосда "оғир" тоифадагилар 528 нафар раҳбарга номма-ном бириктирилиб, уларнинг муаммоларини ҳал этиш чоралари кўрилди. Ёшлар бандлиги дастури бўйича 40 минг 292 ишсиз йигит-қиз бандлиги таъминланди. Доимий иш ўринларига жойлаштириш, касб-ҳунарга ўқитиш билан бир қаторда уларга субсидия ажратиш орқали меҳнат қуроллари олиб берилди, деҳқончилик учун экин майдонлари, тадбиркорлик учун кредит ажратилди, кўплари ҳунармандчиликка жалб этилди.

Профессионал таълим тизими меҳнат бозоридаги талаб ва халқаро андозаларга мос ислоҳ қилинмоқда. Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида ҳамда Чироқчи, Яккабоғ, Нишон, Касби, Миришкор, Муборак, Шаҳрисабз ҳамда Китоб туманларида Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ташкил этилди. Хусусан, Қарши шаҳридаги саноат зонасида ўтган йили қиймати 19,1 млрд. сўмлик 18 та лойиҳа амалга оширилиб, 360 иш ўрин яратилди, Чироқчида эса қиймати 8,5 млрд. сўмлик 12 та лойиҳа рўёбга чиқарилиб, 89 та янги иш ўрни очилди.

Эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари, чин етим, ногиронлиги бўлган ва даволанишга муҳтож болаларга алоҳида меҳр-мурувват кўрсатиш бўйича ҳам янги тизим жорий этилди. Ёшлар иттифоқи Қашқадарё вилояти кенгаши томонидан 10 маротаба "Меҳр улашамиз" акцияси ўтказилди. Унда 1200 дан ортиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига ўқув қуроллари ҳамда мактаб кийимлари совға қилинди.

"Ёшлар дафтари"га киритилган 32 минг 438 нафар йигит-қизга ўтган йилда 47 млрд. 828 млн. сўмлик турли кўмак кўрсатилди.

Уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида бир қатор танловлар ва анжуманлар ўтказиляпти. Жумладан, "Беш босқичли беш ташаббус" олимпиадасида қатнашиб, яхши натижаларга эришди.

Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йилида йигит-қизлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш ва янги поғонага кўтаришга доир долзарб вазифалар олдимизда турибди. Бу биз, маҳаллий Кенгаш депутатларидан ҳам улкан масъулият талаб этади.

**Юлдуз ЭРГАШЕВА,**
**тарих фанлари доктори, профессор, халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши депутати.**

# ҚУРИЛИШЛАРДАГИ ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА МАСЪУЛЛИК

◄1 Давлатимиз раҳбари уй-жой ва қурилиш соҳасидаги энг долзарб вазифаларни белгилаб берар экан, 2024 йил инвестиция дастури доирасида 1637 та инфратузилма объектини қуриш белгилангани, бироқ соҳа ёки ҳудуд раҳбарлари бюджет маблағларини самарали ишлатиш, қурилишлар сифатини таъминлаш бўйича намуна бўладиган тизим яратилмаганига эътибор қаратди. Қурилишларга ажратилган бюджет маблағларини мақсадсиз ишлатиш, талон-торож ва ўғрилик ҳолатлари кўрсатиб ўтилди.

Ҳақиқатан ҳам, сайловчилар билан учрашиш мақсадида ҳудудларда бўлганимизда инсонларга қулайлик яратиш, мушкулини енгиллаштириш мақсадида жойларда қурилаётган янгидан-янги ва замонавий иншоотлар ҳажми ортаётгани билан бир қаторда, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига зид равишда барпо этилган ёки қурилиши бошлаб қўйилиб, бир неча йиллар давомида ҳам тугатилмаётган бинолар кўп эканлигига гувоҳ бўламиз. Энг ачинарлиси, сифатсиз қурилиш маҳсулотларидан фойдаланилгани ёки билими, малакаси етарли бўлмаган қурувчилар жалб этилгани ёхуд ажратилган маблағнинг мақсадсиз сарфланиши биноларнинг сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Объектларни қабул қилиш ва уларни фойдаланишга топширишга масъул шахсларнинг техник ва муаллифлик назорати самарали йўлга қўйилгани сезилмаяпти, улар фаолиятидаги шаффофлик етарлича таъминланмаяпти.

Афсуски, шаҳарсозлик соҳасида рақобат муҳитини яратиш ишларини ҳам кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Хусусан, қурилиш компанияларининг электрон базасини юритиш ва улар фаолиятини баҳолаш рейтингларини жорий этиш, шаҳарсозлик фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш масаласи ҳанузгача очиқлигича қолмоқда.

Йиғилишда бугунги кунда лойиҳа ташкилотларининг объект қийматини имкон қадар "шиширишга" ҳаракати кузатилаётгани, аксарият лойиҳаларда кераксиз хизматлар, ортиқча ҳашамат қўшиб киритилаётгани ҳақли равишда танқид қилинди. Қурувчи-пудратчиларнинг "обнал" ва "ўғрилик"ни содир этишига, сифатсиз қурилиш материалларини ишлатишига шароит яратилгани туфайли ҳоким ва прокурорларга нисбатан эътирозлар билдирилиб, уларнинг бу борадаги қатъий жавобгарлиги белгиланди. Бюджет ҳисобидан бажариладиган барча харидлар Солиқ қўмитасининг "Е-омбор" платформаси орқали амалга оширилиши тартибини жорий қилиш, қурилиш материаллари классификатори электрон платформасини ишга тушириш юзасидан ҳам топшириқлар берилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, шаҳарсозликнинг энг илғор меъёрларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш масаланинг бир томони бўлса, қурилишлар учун ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланишини реал вақт режимида кузатиб бориш имконияти яратилиши масаланинг ундан-да муҳим жиҳати ҳисобланади. Бу жараёнда масъул вазирлик, идоралар билан бир қаторда миллий парламентимизга ҳам катта масъулият юкланиши табиий.

Биз, депутатлар шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда, соҳага оид қонунларнинг ижросини назорат қилишда ташаббускор ва фаол бўлишимиз даркор. Хусусан, Шаҳарсозлик кодексида "экологик экспертиза", "экологик назорат" тушунчаларига таъриф бериш ёки бўлмаса, шаҳарсозлик фаолиятидаги очиқликни таъминламаганлик учун жавобгарликни қонун даражасида белгилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш жоиз, деб ҳисоблайман. Пировард мақсадимиз парламентда қабул қилинаётган мукаммал қонунлар ҳудудларимиздаги инфратузилмани ривожлантиришга, ҳамма учун қулай ва хавфсиз шаҳарларни барпо этишга қаратилган бўлмоғи лозим.

**Шерзод ҚУЛМАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# Ё ИЛМЛИ БЎЛИНГ, ЁКИ ИЛМГА ТАЯНИБ ИШ ТУТАДИГАН...



1

## Фан олимпиадаси — билим, қобилият, иқтидор майдони

Бугунги кунда барча билимларнинг асоси, маърифатнинг бош устуни мактаб даргоҳи ҳисобланади. Ахборот технологиялари шиддат билан ривожланаётган, сунъий интеллект ҳаётимизнинг ҳар жабҳасига кириб бораётган замонда ҳам мактаб билимлар ўчоғи бўлиб қолавериши муқаррар. Шуларни ҳисобга олиб, умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган ёшларимизни ҳар томонлама комил инсон қилиб тарбиялаш, чет эллик тенгқурларидан кам бўлмаган, кенг мушоҳадали, таҳлилий ва мантиқий тафаккур юритадиган, рақобатбардош мутахассис бўлишлари учун таълимнинг барча босқичида узвийликни таъминлаган ҳолда, сифат ўзгаришларини амалга ошириш лозим.

Жаҳон тажрибасига разм соладиган бўлсак, ўқувчи-ёшлар ҳар томонлама зукко, илмли, билимли бўлиши учун фанлар кесимида интеллектуал мусобақалар, тафаккурни чархлашга, кенгайтиришга қаратилган фан олимпиадалари мунтазам ташкил этиб борилади. Бунинг учун боланинг қобилиятидан келиб чиқиб, аниқ фанларга ёки ижтимоий фанларга мойиллиги аниқланади. Мамлакатлараро ёшларнинг ўқишга, ёзишга, математик билимлари ва муаммоли вазиятларда танқидий таҳлил қила олиш қобилиятлари асосида нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан (PISA — Programme for International Student Assessment) баҳо берилади. Шунингдек, ўқувчи-ёшлар учун ўтказиладиган фан олимпиадалари натижалари ҳам давлатларнинг таълим тизимига бериладиган баҳо сифатида эътироф этилади.

Жаҳонда математика фани бўйича ўтказилаётган олимпиадалар ҳақида сўз юритадиган бўлсак, Халқаро математика олимпиадаси (IMO) энг юқори нуфузга эгадир. Мазкур олимпиада 1959 йили Руминияда ташкил қилинган бўлиб, дастлаб 7 давлат иштирок этган. Олимпиада ҳар йили мунтазам равишда ўтказиб келинади. Бугунги кунда 110 дан ортиқ мамлакатларнинг 20 ёшгача бўлган ва ОТМда ўқимаган ҳамда ўқимаётган ёшлардан иборат 6 нафар иштирокчи икки кун давомида мусобақада қатнашади.

Эътироф этиш жоизки, дунёдаги энг нуфузли олимпиадалар, албатта, математика мусобақаларидир. Чунки бу беллашувлар юқори математик қобилиятни намойиш қилиш ва мураккаб масалаларни ечишга тайёр бўлган иқтидорли ёшлар иштирокида ўтади. Олимпиада ғолиблари нафақат совринлар ва фахрий ёрлиқларга, балки юқори талабларга эга университет ва коллежларда ўқишни давом эттириш имкониятига ҳам эга бўлишади.

Шу ўринда мамлакатимизда ва хорижда энг нуфузли ҳамда машҳур ("ТОП — 10") математика олимпиадаларига назар солсак. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусият ва баҳолаш мезонларига эга бўлиб, иштирокчиларга қизиқарли ва мураккаб муаммоларни ҳал қилишни таклиф этади.

Жумладан, Халқаро математика олимпиадаси (IMO), Бутунроссия математика олимпиадаси (ВМО), Москва математика олимпиадаси (ММО), Америка математика олимпиадаси (АМО), Хитой математика олимпиадаси (CMI), Леонард Эйлер номидаги халқаро математика турнири (IMT) иқтидорли математик болалар ва ёшларни аниқлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш борасида етакчи ҳисобланади.

Шунингдек, қизларга математик қобилиятларини намойиш қилиш имконини берувчи, фан ва технологияда гендер тенглигини қўллаб-қувватловчи Халқаро қизлар математика олимпиадаси (EGMO), биринчи курс талабалари учун халқаро математика олимпиадаси (FIMO), кичик мактаб ўқувчилари учун халқаро математика олимпиадаси (IMO-Junior), дунёнинг кўплаб мамлакатларида мактаб ўқувчилари орасида ўтказиладиган Кенгуру халқаро олимпиадаси (Kangaroo)да иштирокчилар математик қобилияти ва фанга қизиқишини ривожлантирувчи масалаларни ечишади ва ғолиблик сари интиладилар.

Энг асосийси, юқорида номлари тилган олинган ва бошқа халқаро, минтақавий ва миллий олимпиадаларнинг мақсади жамиятда математика маданиятини ривожлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Олимпиадалар нафақат ўз қобилиятларини намоён этиш, балки қимматли тажриба, янги билим ва дунёнинг энг яхши математиклари билан танишиш имконини беради. Бундай мусобақалар иштирокчиларнинг ақлий қобилиятини, ижодий ва таҳлилий фикрлашини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

Бир асрлик тажриба математика олимпиадалари таълимни юксалтириш, истеъдодли ёшларнинг қобилиятини чархлаш, келгусида кучли математиклар тарбиялаб етиштиришнинг энг самарали воситаси эканлигини исботлаган.

## Буюк аждодларимизнинг муносиб издошлари

Ўзбекистон ёшлари ҳам Халқаро математика олимпиадаси (IMO)да 1997 йилдан буён иштирок этиб келмоқда ва ҳозирда мамлакатимиз 71-ўринда. Ҳисобимизда 10 та кумуш ва 28 та бронза медаллари мавжуд.

Тарихий натижаларга назар ташласак, 2017 йил 16 июль куни Малайзияда ментал арифметика бўйича ўтказилган жаҳон кубоги мусобақасида Ўзбекистон вакиллари илк марта қатнашди. Мусобақа шартларига кўра, ёш математиклар беш дақиқада 70 та мисол ишлаши керак эди. Олти ёшли юртдошимиз Салоҳиддин Суннатуллаев бу мисолларни муддатидан аввал ечиб, биринчиликни қўлга киритди. Умумий натижаларга кўра, ўзбекистонлик иштирокчилардан икки нафари учинчи ўрин, бир нафари иккинчи ўрин, беш нафари эса биринчи ўринни эгаллади. Ўзбек фарзандларидан ўн уч нафари эса мусобақанинг олий грантига сазовор бўлди. Иштирокчи давлатлар орасида энг кўп юқори ўринни буюк аллома Ал-Хоразмийнинг бугунги авлодлари — ўзбекистонлик ёш математиклар қўлга киритди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг сентябрида Остона шаҳрида бўлиб ўтган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитида юртимизда нуфузли халқаро олимпиада ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди ҳамда саммит иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланди.

2018 йилда юртимизда илк маротаба 26 — 31 октябрь кунлари Ўзбекистон Миллий университети ва Урганч давлат университети томонидан Ал-Хоразмий 1-халқаро олимпиадаси (АКҲИМО) ўтказилди. Унда дунёнинг 20 мамлакатидан 234 нафар талаба иштирок этди.

Мазкур халқаро олимпиада ҳар икки йилда бир марта ўтказилади. Халқаро олимпиадада ғолибликни қўлга киритган ўзбекистонлик талабаларга математика, физика, ахборот технологиялари йўналишлари бўйича магистратурага квотадан ташқари давлат гранти асосида ўқишга кириш ҳуқуқи берилади.

2023 йил 29 май — 4 июнь кунлари Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан Ал-Хоразмий номидаги ёш математиклар халқаро олимпиадаси ўтказилди. Унда Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистондан жами 70 нафар ўқувчи иштирок этди ва вакилларимиз 21 та медаль жамғарди. Яъни юртимиз ёшларидан таркиб топган жамоа 3 та олтин, 5 та кумуш ва 13 та бронза медалини қўлга киритди.

Шунингдек, 2023 йилда Японияда бўлиб ўтган 64-халқаро математика олимпиадасида ўзбекистонлик ўқувчилар 3 та бронза медалига эга чиқди. Уларга 66 миллион сўмдан пул мукофоти берилди.

## Математика тараққиётга хизмат қилади

Математика аниқ мантиқий мушоҳадага асосланган билимлар ҳақидаги энг қадимий фандир. Машҳур математиклар деганда, аввало, Пифагор, Евклид, Архимед, Лобачевскийни тушунамиз. "Менга таянч нуқтасини беринг, ерни силжитаман", дегувчи Архимеднинг кашфиётлари ҳам математикадаги энг муҳим янгиликлардан ҳисобланади. У доиранинг юзини ҳисоблашга қарор қилади ва юзани ҳисоблаш усулини яратиш орқали осонлик билан айлана узунлигини ҳам ҳисоблай олган.

Шарқнинг улуғ алломалари ва мутафаккирларининг кашфиётлари бугунги илм-фан ва тараққиёт пойдеворидир. Саноқ тизимига асос солган олимларимиз замон ва маконларнинг энг буюк математиклари қаторида туришига сабаб бўлган кашфиётлар қилганлар, уларнинг илмий изланишлари билан математикадан янги бир соҳалар ажралиб чиққан.

Хусусан, Ал-Хоразмий алгебра фани асосчисидир. Буюк қомусий олимларимиздан Абу Райҳон Беруний, ўнли касрлар таълимоти асосчиси, Мирзо Улуғбекка "зиж"ни яратиш, расадхона қуришда ёрдам берган Ғиёсиддин ал-Коший, Али Қушчи, Аҳмад ал-Фарғоний (лақаби "ҳосиб", яъни математик) астрономия, математика, геодезия, география фанлари бўйича илмлар маҳзанини тўплаганлар. Уларнинг математика, тригонометрияда қилган кашфиётлари илм-фан пойдевори саналади. Шарқшунос олимларнинг эътирофича, улар қизиққан илм соҳаларидан кўра қизиқмаган соҳаларини санаб ўтиш осонроқдир.

> ***Жаҳон тажрибасига разм соладиган бўлсак, ўқувчи-ёшлар ҳар томонлама зукко, илмли, билимли бўлиши учун фанлар кесимида интеллектуал мусобақалар, тафаккурни чархлашга, кенгайтиришга қаратилган фан олимпиадалари мунтазам ташкил этиб борилади. Бунинг учун боланинг қобилиятидан келиб чиқиб, аниқ фанларга ёки ижтимоий фанларга мойиллиги аниқланади.***

Математика ривожида IX асрда янги юксалиш даври сифатида таърифланади. "Байт ул-ҳикма"да тарқоқ билимлар тартибга келтирилиб, математика изчил ривожланган. Хоразм Маъмун академияси ҳам математика ривожида муҳим роль ўйнаган. Уларнинг асарлари Истанбул орқали Европага кириб бориб, бу асарлар таъсирида математикага қизиқиш кучайган.

XVI асрда ҳам математика фани жадал ривожланиш даврини бошдан кечирган.

XIX аср охири — XX аср бошлари, айниқса, математика тарихида мисли кўрилмаган юксалиш йиллари бўлди. 1893 йилда Чикагода Америка қитъаси очилишининг 400 йиллиги муносабати билан халқаро миқёсда математика конгресси ўтказилди. Конгрессда дунё математиклари мунтазам учрашиб, энг янги натижалар ҳақида маърузалар қилиб туриш зарурати қайд этилди. Дастлабки расмий халқаро конгресс 1897 йилда Цюрихда ва 1900 йилда Парижда ўтказилди.

Цюрих конгрессида А. Пуанкаренинг ғоялари асосий мавзуни ташкил қилган. Париж конгрессида эса Д. Ҳилберт ўзининг машҳур 23 муаммосини баён этди. Бу ғоя ва концепциялар математиканинг XX аср давомидаги тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатган.

Халқаро математиклар конгресси (ХМК), математикага бағишланган йирик илмий анжуман саналади ва у тўрт йилда бир марта Халқаро математика иттифоқи (ХМИ) томонидан ўтказилади. ХМИга 80 дан ортиқ мамлакатларнинг миллий математика ташкилотлари аъзо. Ташкилот тўрт йилда бир марта математика ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган олимларга нуфузли "Fields" медалини топширади. "Abel" — математикларнинг нуфузли халқаро мукофоти. Бу мукофотдан кейинги ўринда турадиган "Fields" медали эса "математикларнинг Нобель мукофоти", деб таърифланади.

ХМИ математика соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, Халқаро математиклар конгресси ва бошқа халқаро илмий учрашувлар, конференцияларни уюштириш ва қўллаб-қувватлаш, математикага қўшилган улкан ҳисса ва илмий ютуқларни совринлар орқали эътироф этиш, фаннинг соф, амалий ёки таълимий жиҳатлардан ривожланишига ҳисса қўшиши мумкин бўлган бошқа халқаро математик фаолиятни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш билан машғул.

1986 йил сентябрда Тошкентда Бернулли жамиятининг 1-умумжаҳон конгресси бўлиб ўтган. Муҳим воқеа бўлган бу йирик илмий тадбир мавзулари фан ва эҳтимоллар назарияси, математик статистика ва комбинаторикани қамраб олган.

Олимларнинг саъй-ҳаракатлари ўлароқ, кейинги даврларда ҳам математиканинг энг долзарб муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар кенг кўламда давом этиб келмоқда. Давлатимизда математиклар ва педагог-ўқитувчилар, иқтидорли фан ташкилотчиларининг номлари илм-фан фахрига айланган. Жумладан, академиклар Қори Ниёзий, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Саъди Сирожиддинов, Азимбой Саъдуллаев, Абдулла Аъзамов, Жавдат Ҳожиев, Нўъмон Сатимов, профессорлар Мирсаид Орипов, Равшан Ашуров, Исроил Икромов, Маъруф Исроилов, Баҳодир Шоимқулов, Мардон Собиров, Гулмирза Худойберганов шулар жумласидан. Айниқса, Ўзбекистон илм-фани, олий таълим ривожига ҳисса қўшиб келаётган академик Шавкат Аюпов квант эҳтимоллар назарияси, алгебралар соҳасида дунёга танилган замонавий илмий мактабнинг раҳбари ҳамдир.

ЎзФА академиги, Математика институти директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Шавкат Аюповнинг фикрига кўра: *математикани кўп инсонлар ҳисоб-китоб деб тушунишади. Математика аксарият билимларнинг асоси дейилиши бу ҳисоб-китоб учун эмас, балки тафаккурнинг ривожига ҳисса қўшади. Математиклар бирор нарсани исботланмагунча ишонмайди. Айнан мана шу фикр болаларда шаклланиши керак.*

*Мактабларда кўп теоремалар исботсиз берилмоқда. Бола теоремани ёдлаб олади, лекин у қанақа қилиб исботланишини билиши керак: ҳамма гап шунда.*

Математика билан машғул бўлган болалар улғайганда топшириқлар ҳар қанча қийин бўлса-да ҳаракат қилишда давом этиши кераклигини англайди ва охир-оқибат қийинчиликларни енгиб ўтишади, чунки улар аввал ҳам қийин вазифаларни уддалашганини билишади.

Бугун кенг жамоатчилик, ҳар бир ота-она ва педагоглар ўз олдиларига фарзандлар, ўқувчиларни математикани ўрганишга илҳомлантирадиган ва ундайдиган мақсадлар қўйиши керак. Баъзи математик ғояларни ўрганиш учун кўпроқ вақт талаб этилади. Юқори сифатли математик таълим учун кўпроқ амалиёт, яъни амалий масалалар ечими устида ишлаш, яхши ўқитиш услуби жуда муҳимдир. Болалардаги муваффақиятсизлик қўрқувини енгишда, албатта, таълим-тарбияда сифатли ва самарали усуллардан фойдаланиш жоиз.

## Интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш бугуннинг муҳим вазифаси

Бу борада хорижий тажрибалар, айниқса, **Финляндия тажрибаси**ни ҳам кенг қўллаш мақсадга мувофиқ. Финлар болалар учун математикани ўрганишни қизиқарли қиладиган ўйинли, рақамли онлайн ўқув платформаларини яратишди ва бунинг самараси аллақачон ўзини кўрсатди. Бугун дунёнинг 50 дан ортиқ давлатларида қўлланилаётган **"Eduten" платформаси** билан болалар қизиқарли хавфсиз виртуал дунёни ўйинлар орқали кашф қилар эканлар, улар математик саволларга жавоб беришади. Бу саволлар ўқув режасига мослаштирилган ва мослашувчан алгоритмга асосланган бўлиб, математика кўникмаларини тезроқ ўзлаштиришга ёрдам беради. Уларга математикада қатъиятлиликни рағбатлантириш учун мотивацион хабарлар ҳам юборилади. Мукофотлар таъсирли тарбия воситалари орқали математика болалар учун энг қизиқарли машғулотга айлантирилади.

Маълумки, Ўзбекистонда 2020 йилдан илм-фан ривожида математика устувор йўналишлардан бири этиб белгиланган. Математика соҳасидаги фундаментал тадқиқотларни молиялаштириш ҳажми бир ярим баробарга оширилди. Айни пайтда халқаро фан олимпиадаларида ғолиб бўлган ёшларимиз ва уларнинг мураббий устозлари меҳнатини рағбатлантириш тизими жорий этилган.

Шунингдек, математика фанини билиш даражасини баҳолаш бўйича миллий сертификатлаштириш тизимини жорий қилишга, олий таълимнинг тегишли йўналишлари ва мутахассисликларида математика фани машғулотларини кўпайтириш ҳамда таълим сифатини оширишга эътибор қаратилмоқда.

БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига уйғун тарзда таълим соҳасидаги ислоҳотларга ҳисса қўшиш, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича белгиланган янги мақсад ва режаларни амалга оширишда педагоглар ҳамжиҳатлилигини таъминлаш мақсадида пойтахтимиздаги Халқаро Нордик университетида "IDC" (Intelligence Development Center) таълим маркази билан ҳамкорликда 2023 йилнинг 10 декабрь куни Математиклар форуми ўтказилди. Юртимизнинг математика соҳасида таниқли профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар, шунингдек, америкалик ва финляндиялик математик олимлар иштирокида ўтган форумда хорижий илғор тажрибаларни ўрганиш ва математика ўқитувчилари, педагоглар ҳамжиҳатлилигини таъминлашга эътибор қаратилди.

Форум доирасида мамлакатимизда фаолият олиб бораётган тайёрлов курслари математика ўқитувчилари орасида ҳамкорлик кучайтирилиб, ўзаро илмий-методологик маълумотлар алмашишига кўмаклашилди. Бугунги рақамли ислоҳотларни жадаллаштириш учун зарур бўлган вазифалар, ёшларни аниқ фанларга, инноваторлик ғояларини яратишга қизиқишини ошириш, келажакда юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланишини янги босқичга кўтариш, қолаверса, Ўзбекистонни халқаро ҳамжамият орасида, хусусан, илм-фан оламида ўзига хос нуфузини оширишга хизмат қиладиган иқтидорли ёшлар сафини кенгайтириш хусусида фикр-мулоҳаза ва тажрибалар алмашилди.

Форумда илм аҳли ёшларга қуйи синфларданоқ халқаро олимпиадалар методологиясини ўргатиш ва синовларга руҳан тайёрлаш, илмий-техник тараққиётнинг фундаментал асосида бўлган аниқ фанларнинг ўқитилишини такомиллаштириш, олимпиадалар орқали ёш математикларнинг билимларини синовдан ўтказиш, уларнинг селекциясини амалга ошириш, мотивациялар бериш, нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олишларига кўмаклашиш ва шу асосда техник тараққиётнинг жадаллашишига замин яратиш чоралари белгилаб олинди.

## Мақсад учун меҳнат — натижа сари йўл

Математиклар форумининг самараси ўлароқ, Халқаро Нордик университети ва "IDC" таълим маркази билан ҳамкорликда ёш математиклар учун нуфузли халқаро мусобақа Тошкент халқаро математика олимпиадасини (TASIMO) ўтказиш ташаббуси илгари сурилди.

Эътиборлиси, ушбу эзгу ташаббус Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, ЮНИСЕФ, Жаҳон банки, АҚШнинг Рован университети, Финляндиянинг Карелия амалий фанлар университети ва қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Тошкент халқаро математика олимпиадасида барча умумтаълим мактабларининг 3 — 11-синф ва академик лицей ўқувчилари иштирок этиши мумкин.

Олимпиада уч босқичда ташкил этилади:

**Биринчи босқич:** 2024 йилнинг 24-25 февраль кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар кесимида барча умумтаълим муассасаларининг 3 — 11-синф ҳамда академик лицей ўқувчилари онлайн иштирок этади.

**Иккинчи босқич:** 2024 йилнинг 31 март куни ўтказилади. Иккинчи саралаш босқичида 14 та маъмурий ҳудуд кесимида биринчи босқичда энг юқори балл тўплаган 50 нафардан ўқувчилар саралаб олиниб, хорижий тенгқурлари билан онлайн форматда беллашади.



**Учинчи босқич:** 2024 йилнинг 18-19 май кунлари Тошкент шаҳрида Халқаро Нордик университети базасида олимпиаданинг финал босқичи офлайн форматида ташкил этилади. Иккинчи саралаш босқичида ҳар бир маъмурий ҳududдан энг юқори баллни қўлга киритган бир нафардан иборат талабгор чет элдан келган ўқувчилар билан олтин, кумуш ва бронза медаллари учун мусобақага киришади.

Тошкент халқаро математика олимпиадаси академик мукаммаллик, динамизм, ижодий инновацияларни қўллаб-қувватлаш, ёш иқтидор эгаларининг янги авлодини кашф этиш ва рағбатлантириш каби хусусиятлари билан фарқлидир.

Аниқ фанларни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган таълим ислоҳотларининг узвий давоми бўлган ушбу олимпиада мамлакатимизда математика фанини юксалтириш, истеъдодли ёшларнинг қобилиятини чархлаш, кучли ёш математикларни кашф этиши, шубҳасиз. Дунёга Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи каби буюк математикларни етиштириб берган жонажон юртимизнинг барча ҳудудида ўта қобилиятли ёшларнинг кўплигига аминмиз.

TASIMO ўқувчиларга дунёнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган иқтидорли математик тенгдошлари билан учрашиш ва билим алмашиш, келажак учун ўз мукаммал таълим стратегиясини ишлаб чиқиш имкониятини беради. Мазкур халқаро олимпиадада билимдонлар ўртасида соғлом рақобат, яратиш ва кашф қилиш муҳити устувор ҳисобланади.

Олимпиадада қатнашиш учун иштирокчилар "t.me/tasimo_bot" "Telegram" боти орқали рўйхатдан ўтишлари керак. Олимпиадада иштирок этиш бепул. Унинг шартлари тест топшириқлари, ёзма амалий мисол-масалалардан иборат.

Олимпиада мусобақаларини қизиқарли ўтказиш учун саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Олимпиадага тайёргарлик катта ҳажмдаги билим ва амалиётни талаб қилади. Шу боис "Telegram" ижтимоий тармоғида олимпиаданинг расмий саҳифасини ташкил этиб, синфлар кесимида тест топшириқлари жойлаб борилмоқда. Бу эса иштирокчи-ўқувчиларда математик фикрлаш ва умумий масалаларни тўғри ечиш кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Тошкент халқаро математика олимпиадасининг соврин жамғармаси 450 миллион сўм этиб белгиланган. Ғолиб ўқувчилар пул мукофоти, олтин, кумуш ва бронза медаллари билан тақдирланади. TASIMO иштирокчиларга ўз билим ва кўникмаларини синаб кўриш имкониятини берибгина қолмай, балки математика бўйича кейинги академик ва профессионал босқичда муҳим қадам бўлиши мумкин. Медалларни қўлга киритган ўқувчиларга Халқаро Нордик университетига 100 фоизли грант асосида кириш ҳуқуқини берувчи инвестиция ваучерлари тақдим этилади. Бу ҳам бўлса, ёш билимдонлар учун катта имкониятдир. Демак, ғолибликни қўлга киритган ўқувчилар Финляндия билан халқаро ҳамкорликдаги нуфузли олийгоҳ талабаси бўлишдек шарафга эга бўлади.

Мақсадимиз ёшларимизга билим бериб, уларни математика йўналишида дунёга танитиш, яъни ўзбек йигит-қизларининг нималарга қодирлигини жаҳонга кўрсатишдир.

**Шерзод МУСТАФОҚУЛОВ,
Халқаро Нордик университети ректори, профессор.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 17 437 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиёров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6